

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БҮЙРУҒИ

207 Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиа-
корхоналарида тиббий-учиш эксперт комиссиялари-
ни тайинлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 32-бандига
ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил
4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1747-1*

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 февралдаги 90-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 15 ноябрдаги 167-сонли буйруғи (рўйхат рақами 1747, 2007 йил 11 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 50-51-сон, 525-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиакорхоналарида тиббий-учиш эксперт комиссияларини тайинлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 32-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«32. ТУЭК таркиби раис, шифокор-экспертлар (терапевт, невропатолог, отоларинголог, офтальмолог, хирург) ҳамда котибдан иборат бўлади. ТУЭК таркибига кирувчи шифокор-экспертлардан бири Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги 319-сон қарори билан тасдиқланган Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ «касб патологияси» ихтисослиги бўйича қайта тайёрлашдан ўтган бўлиши керак.».

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ

Т. ЎЛЖАЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 8 апрель,
74-Н-сон

Келишилган:

Соғлиқни сақлаш вазири

А. АЛИМОВ

2016 йил 8 апрель